

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА**  
**АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВА ГУЗАЛ ҚУДРАТОВНА**

**ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА СОЦИАЛ**  
**ХОСЛАНИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.512.133'373.49

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philology sciences**

**Сафарова Гузал Кудратовна**

Эвфемизмларнинг ёш хусусиятларига кўра социал хосланиши.....5

**Сафарова Гузал Кудратовна**

Социологическая характеристика эвфемизмов в соответствии с возрастными особенностями.....28

**Safarova Guzal Kudratovna**

Sociological characteristics of euphemisms in accordance with age characteristics.....50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВА ГУЗАЛ ҚУДРАТОВНА**

**ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА СОЦИАЛ  
ХОСЛАНИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИИ**

**Андижон – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2021.2.PhD/Fil1910 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раупова Лайло Рахимовна,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзахидова Мияссар Инамжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Рустамова Дилрабо Абдурахимовна,**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019. Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Шахабитдинова Ш.Х.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Усманов Ф.Ф.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**Умарходжаев М.Э.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тилдан амалий фойдаланиш, тил бирликларининг нутқда қўлланиши ва маъно-вазифа хусусиятларини очиб бериш фаол босқичга ўтиб бормоқда. Ўзаро мулоқот маданияти, лингвокультурология, социолингвистика, амалий тилшунослик, лингвистик экспертиза, психолингвистика каби амалий тилшунослик соҳалари бўйича қимматли натижалар қўлга киритилмоқда. Дунё миқёсида техник-технологик тараққиёт натижасида маданият ва маънавият гўзаллигини сақлаб қолиш долзарб муаммога айланаётганлиги, мазкур муаммолар ечими марказида шахсининг нутқ маданияти, мулоқот салоҳиятини ривожлантириш турганлиги, тилга маънавиятни юксалтирувчи воситалардан бири сифатида муносабатда бўлиш кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Тилнинг бой ва гўзал ифода имкониятларидан бири бўлган эвфемизмлар родини кенгайтириш ижтимоий эҳтиёжга айланмоқда.

Дунё тилшунослигида тил ҳодисаларининг шаклланиш омили, этимологик манбаи, маъновий гуруҳи, функционал жиҳати, миллий-ментал хусусиятлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эвфемизмларни ҳам онтологик ҳодиса ва маданий мулоқот воситаси сифатида ёш билан боғлиқ хусусиятлар, ижтимоий, прагматик, лингвомаданий, лексикографик жиҳатдан чуқур ўрганишга имконият яратди. Тилларнинг генеологик ва морфологик курилишларига боғлиқ равишда ҳар бир тилда эвфемик маъно фонетик, лексик, морфологик, синтактик, фразеологик, паремиологик ва новербал воситалар билан ифодаланади, эвфемик маънонинг намоён бўлишида ситуатив-прагматик ва ижтимоий омиллар мазкур лисоний воситалар билан яхлитлик ҳосил қилади. Шунинг учун эвфемашуносликда фонетик, лексик, грамматик омилнинг кучайиши, прагматик, шахсий омиллар кучсизланиши эвазига содир бўладиган жиҳатларни лингвопрагматик тадқиқ қилишга эътибор кучаймоқда.

Ўзбек тилшунослигида XXI асрда шаклланаётган антропоцентрик лингвистик йўналишларнинг асосий вазифаси – инсонни тилда, тилни эса инсонда таҳлил қилишга йўналтиришдан иборат. Унинг диққат марказида эвфемизмлардан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг субстанциал асосларда ҳал қилиниши муаммолари туради. “...Давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш”<sup>1</sup> вазифаси маданий мулоқотнинг асосий воситаси бўлган эвфемизмларни кенг доирада текширишни, уларга хос ёш хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларни чуқур тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Жадал ривожланаётган антропоцентрик парадигмага кирувчи социолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология каби илғор фан йўналишларида изланишлар олиб бориш илмий заруратга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // lex.uz

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги 2019 йил 4 октябрдаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида эвфемизм ҳодисаси кенг тадқиқ қилинган. Л.А.Булаховский, А.А.Реформатский, Б.А.Ларин<sup>2</sup> эвфемизмни тарихий нуқтаи назардан қадимий табу асосида ўрганган. Рус тилида эвфемизмлашувнинг восита ва мақсадларини тасвирлаш билан Л.П.Крисин, В.П.Москвин, В.З.Санников, Е.П.Сеничкина<sup>3</sup> шуғулланган. А.М.Кацев, Н.Ц.Босчаева, Н.Л.Саакаян, Ю.С.Баскова ва Е.О.Милоенко<sup>4</sup> тадқиқотларида инглиз ва рус тилларидаги эвфемизмларнинг хусусиятлари, Г.А.Вильданованинг “Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке” номли диссертациясида инглиз тили эвфемизмларининг ёш хусусиятларига кўра хосланиши атрофлича ёритилган<sup>5</sup>. Н.Баскаков эса олтой халқлари тилларидаги эвфемистик номинацияларнинг муаммоларини очиб берган<sup>6</sup>. Ўзбек тилшунослигида Н.Исматуллаев ва А.Омонтурдиевнинг илмий ишларида эвфемизм ҳодисаси, уларнинг услубий хусусиятлари, чорвадорлар нутқида қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари<sup>7</sup> махсус тадқиқ қилинган. А.Омонтурдиев эвфемизмнинг услубшунослик объекти

---

<sup>2</sup> Ларин Б.А. Об эвфемизмах.; Учен.зап.Ленингр.ун-та. №301: Сер. фил. наук: Вып. № 60. – Ленинград.: ЛГУ, 1961. – С. 110 - 124.

<sup>3</sup> Крысин Л.П. Эвфемизмы в современной русской речи. [www/zhilology.ru](http://www.zhilology.ru).; Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка.; Василий Павлович Москвин. 2-е изд. – Москва.: Ленинград, 2007. – 264 с.; Сеничкина Е.П. Эвфемизмы русского языка. – Москва: Высшая школа, 2006. – 151 с.

<sup>4</sup> Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. – Ленинград: Наука, 1977. – 65 с.; Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Ленинград: Наука, Ленинградское отд., 1989. – 130 с.; Саакаян Н.Л. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2010. – 23 с.; Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков): дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. – 26 с.; Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе: дисс. ...канд. филол. наук. – Курск, 2009. – 24 с.

<sup>5</sup> Вильданова Г.А. Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект. – Москва-Берлин.: Директ-Медиа, 2015. – 162 с.

<sup>6</sup> Баскаков Н.А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Алтая.; Совет.тюркология. – Баку.: 1975. № 2. – С. 3 – 7.

<sup>7</sup> Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. ... дисс. канд. фил. наук. – Ташкент, 1963. – 24 с.; Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: фил. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 23 б.; Омонтурдиев А. Профессинал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

сифатидаги тадқиқини кенг доирада амалга оширади, шунингдек, “Ўзбек нутқининг эвфемик асослари”, “Профессионал нутқ эвфемикаси” номли монографияларида, “Бир сўз луғати”, “Сўз қўллаш санъати”, “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” каби ишларида ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади<sup>8</sup>.

Шунингдек, А.Маматов, З.Холманова, Х.Қодирова, Д.Рустамова, Ш.Гулямованинг илмий ишларида эса эвфемик ва дисфемик бирликларнинг фразеологизмлар шаклланишига таъсири масаласи, Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати, ўзбек тили эвфемизмларининг ёш хусусиятларига кўра хосланиши, эвфемизмларнинг қўлланилиш хусусиятлари, “Бобурнома” асарида қўлланган эвфемизмлар, муаллифлик эвфемизмлари ҳамда эвфемизмларнинг метафорик хусусиятлари таҳлил этилган<sup>9</sup>. 1980 йиллардан кейин чоп этилган тилшуносликка оид дарслик ва қўлланмаларнинг сўзшунослик ҳамда услубиятга бағишланган ўринларида эвфемизм ҳодисаси изоҳланган<sup>10</sup>. “Нутқ маданияти ва услубият асослари” дарслигида ва 1983 йилда нашр этилган “Ўзбек тили стилистикаси” ўқув қўлланмаси<sup>11</sup> да ҳам эвфемизм ҳамда кокофемизм (дисфемизм) хусусида умумий маълумотлар ўз аксини топган. Аммо ўзбек тилшунослигида эвфемизмларнинг ёшга кўра хусусиятлари монографик тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Тил, жамият ва шахс муносабатлари муаммоси тадқиқи” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эвфемизмларнинг ёш хусусиятларига кўра социолингвистик тадқиқи, улардаги ифода усулларининг типологик хусусиятлари, доимий қўлланилиш меъёрини кўрсатувчи семантик ва контекстуал тавсифини бериш, эвфемизмларнинг қўлланишидаги прагматик, социопрагматик тамойиллари ва уларнинг намоён бўлишида ёш хусусиятлари муаммоларини ёритиш масаласини тадқиқ қилишдан иборат.

---

<sup>8</sup> Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: Жайхун, 1994. – 60 б.; Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – 45 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент, 2000. – 134 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Халқ мероси, 2000. – 128 б.; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.

<sup>9</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари: филол. фанлари д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.; Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: филол. фанлари д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б.; Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 23 б.; Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 50 б.; Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари: филол. фан. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2020.

<sup>10</sup> Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.; Содиков А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 266 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 127 б.

<sup>11</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

“ёш” тушунчасини кўриб чиқиш асосида замонавий лингвистикада социал ёш муаммосига бўлган асосий қарашларни тавсифлаш; нутқий эвфемизмлар қўлланишида ёш хусусиятларининг хосланишни аниқлаш, шу билан бирга, уларда ёш хусусиятларига кўра фарқловчи омилларни изоҳлаш; ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда эвфемизмнинг ёш гуруҳларини таснифлаш; эвфемизмларда ёш билан боғлиқ маънонинг лисоний ва нолисоний омиллар асосида воқеланишини тавсифлаш; “хушмуомалалик” тамойилининг ёшга кўра фарқланадиган эвфемизмларни шакллантирувчи восита сифатида хизмат қилишини лингвокультурологик нуқтаи назардан баҳолаш; эвфемизмларда ёш билан боғлиқ маъно воқеланишининг прагматик омилларини изоҳлаш; ўзбек тилининг ёш билан боғлиқ хосланган эвфемизмлари қисқача изоҳли луғатини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида жонли сўзлашув, бадий ва публицистик услуб материалларидан ўзбек миллатига мансуб турли ёшдаги шахслар учун хосланган эвфемизмлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни эвфемизм ва унинг ёш хусусиятига кўра хосланган турининг хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, таснифлаш, синхрон, компонент, қиёслаш, этнолингвистик, тизимли, контекстуал ва социологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги эвфемизмларни вужудга келтирувчи ижтимоий-сиёсий омиллардан кўрқув, иримлар; шахсий омиллардан турмуш тарзи, келиб чиқиши, шахсий сифати, диди, савияси, кўриниши, жисмоний-ақлий салоҳияти кабиларнинг устувор эканлиги аниқланган;

нутқда ёш хусусиятларига кўра хосланган маънонинг юзага чиқишида талаффуз, сўз, грамматик қўшимча, гап қурилиши каби лисоний, имо-ишора, сукут, қўл, елка ҳаракати сингари нолисоний ҳамда халқнинг тарихи, этногенези, тараққиёти каби маданий омиллар биргаликда тизимли хизмат қилиши матнлар ва дискурслар асосида далилланган;

ўзбек тилида айтилиши одоб меъёрларига зид бўлган, ёқимсиз ва уят саналган тушунчаларни ифодаловчи бирликларнинг эвфемиклашувининг касб, тарбия, феъл-атвор ва руҳий ҳолат таъсирида рўй бериши, кичик ёшдаги болаларда эса эвфемиклашув оламни онтологик билишга интилишдаги когнитив жараён билан боғлиқлиги далилланган.

тил воситаларини прагматик тадқиқ қилишнинг шахс, нутқий вазият, нутқ шароити, пайти, ўрни каби омиллар билан боғлиқлиги ва ўзбек тилидаги эвфемизмларнинг маъно ифодалашда шахснинг ёши ва нутқий вазият омили етакчилик қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эвфемизмларнинг ёш хусусиятларига кўра маъно ифодалаш хусусияти жинс вакилларида тил ва маданият алоқасининг муштараклиги асосида нутқнинг этик-эстетик талаби билан юзага чиқиши асосланган; ўзбек тилидаги ёш хусусиятларига кўра эвфемизмлар эркак ёки аёлга хосланган ва бетараф (хар



икки жинсга хос) ёш хусусиятларига кўра социологик ёндашув асосида аниқланган; бадий, публицистик ва жонли сўзлашув услублари материаллари асосида тўпланган ёш хусусиятларига кўра хосланган эвфемик воситалар ўзбек луғатшунослиги таркибини бойитишга хизмат қилиши амалиётда исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўрганилган материалларнинг республикамиз ҳамда хориж олимларининг назарий фикрларига таянилганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги билан белгиланади. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар, эвфемизмларнинг ёш хусусиятига кўра социал хосланишига оид тавсияларни ишлаб чиқишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти умумлаштирилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар, энг аввало, эвфемизмнинг тил ва нутқдаги ўрни масалаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Ишдаги илмий таҳлил, назарий қараш ва усуллардан тилнинг бошқа бирликларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси ва ўзбек тили ва адабиёти йўналишларида “Ҳозирги ўзбек тили”, “Лингвомаданиятшунослик” ва “Нутқ маданияти”, “Филологик таълимда прагматик ёндашув”, “Матннинг филологик таҳлили” курси дастур ва дарсликларидан лексикологияга доир мавзуларни режалаштириш ҳамда баён этишда манба вазифасини ўташи, ёш хусусиятларига кўра филология соҳаси ходимлари учун эвфемик бирликлар луғатини тузиш имкониятини яратиши, тўпланган лингвистик воситаларнинг маъновий хусусиятларига оид назарий фикрлар лингвокультурологик ва прагматик воситаларни тадқиқ этиш доирасини чуқурлаштириши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили эвфемизмларида ёш хусусиятларнинг аҳамияти ва эвфемизмда ёш билан боғлиқ маънонинг воқеланишида аниқланган прагматик, социал ва лингвокультурологик омиллар асосида:

ўзбек тилидаги эвфемизмларни вужудга келтирувчи турли ижтимоий-лисоний омиллар хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясаши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 15-октябрдаги 17.01/242-сон маълумотномаси). Натижада қардош ўзбек тилида эвфемизмларни қўллаш жараёни билан боғлиқ тадқиқот натижаларини замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан лингвистик тадқиқотлар сирасида илмий-таълимий жараёнга татбиқ этиш имконияти оширилган;

нутқда ёш хусусиятларига кўра хосланган маънонинг юзага чиқишида хизмат қилувчи лисоний ва маданий омиллар хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан

бажарилган ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 15 октябрдаги 17.01/242-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ нақл-мақолларида учровчи ёш хусусиятларига кўра хосланган маънонинг юзага чиқишида эвфемизмларни қўллаш жараёни билан боғлиқ ўзига хосликлар илмий асосланган;

Ўзбек тилида айтилиши одоб меъёрларига зид бўлган, ёқимсиз ва уят саналган тушунчаларни ифодаловчи бирликлар эвфемиклашувининг гендер хусусиятлари тўғрисидаги илмий хулосалардан ҳамда бадиий асарлардаги эвфемик ва дисфемик бирликларни таснифлаш, эвфемиклик хусусиятлари асосидаги муаллиф ва характерлар нутқининг ўзаро муомала жараёнидаги когнитив асоси, оғзаки хусусияти ҳамда прагматик даражасини аниқлаш, эвфемизмларнинг ижтимоий хослиги, прагматик тамойиллари билан боғлиқ семантик тамойилларини очиқ бериш, танланган асарлардаги қаҳрамонлар нутқида учровчи эвфемизмларнинг ёш хусусияти, ифодаланиш усулларидаги ўзига хосликларни ёритиб берувчи материаллардан Кинематография агентлиги Ўзбекистон миллий кинофонди давлат муассасасида хорижий кинофильмларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 01-23/18-сон маълумотномаси). Натижада хорижий кинофильмларнинг таржимасида ўзбек тили бирликларининг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш имкони яратилган;

Ўзбек тилидаги эвфемик маънонинг юзага келишида шахснинг ёши ва нутқий вазият омили масаласи билан боғлиқ илмий хулосалардан Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги 2020-2021-йилларга мўлжалланган И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги 04/1-1997-сон маълумотномаси). Натижада поэтик луғатда инсон қиёфаси, феъл-атвори билан боғлиқ тил бирликлари изоҳлари мукаммаллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад-вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти тавсифланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Эвфемизмлар тараққиётининг назарий асослари**” деб номланувчи I бобида тилшуносликда эвфемизм ҳодисаси талқини, эвфемизмларнинг ёш хусусиятларига кўра хосланиши, уларда ёш хусусиятларига кўра маънони воқелантиришда лисоний омилларнинг роли ўрганилган ҳамда ушбу масалаларга муносабат билдирилган. Бобнинг “Тилшуносликда эвфемизм ҳодисаси талқини” деб номланган биринчи бўлимида эвфемизм ва табу ҳодисалари, унинг ғарб, рус ва ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи ва таснифи масалалари ўрганилиб, умумлаштирилган. Л.А.Булаховский, А.А.Реформатский, Б.А.Ларин<sup>12</sup> томонидан эвфемизм тарихий нуктаи назардан қадимий табу асосида кўриб чиқилиб, хинд-европа ва славян-болтиқ материаллари асосида таҳлил қилинган бўлса, Л.П.Крисин, В.П.Москвин, В.З.Санников, Е.П.Сеничкина, А.С.Куркиев рус тилида эвфемизациянинг восита ва мақсадларини тадқиқ қилган. XIX-XX асрлар бадий матнларидаги тиббиёт соҳасига оид эвфемизмлар тавсифи Й.Н.Малигина томонидан ўрганилган<sup>13</sup>.

Ўзбек тилшунослигида эвфемизм ҳодисаси атрофлича ўрганилган. Н.Исматуллаев<sup>14</sup> ўзининг номзодлик диссертациясида масаланинг қўйилиши даражаси, А.Омонтурдиевнинг номзодлик диссертациясида<sup>15</sup> уларнинг услубий хусусиятлари, докторлик диссертациясида<sup>16</sup> чорвадор нутқида қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари махсус тадқиқ қилинган.

“Эвфемизм – бу маъносиз ва ҳиссий рангдаги нейтрал сўз ёки тавсифловчи ибора бўлиб, у одатда одобсиз ёки номақбул сўзлар ва иборалар

---

<sup>12</sup> Ларин Б.А. Об эвфемизмах (Текст).; Ларин Б.А. Проблемы языкознания: Сб. статей, посвящ. 75-летию акад. И.И. Мещанинова. – Ленинград.: ЛГУ, 1961. – (Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. наук: Вып. 60). – С. 110-124.

<sup>13</sup> Малыгина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XXI вв. // Вестник СамГУ. 2006. №10/2 (50). – С. 35-41. Крысин Л.П. Эвфемизмы в современной русской речи (Электронный ресурс).; филологический интернет-портал “philology.ru”. Сеничкина Е.П. Эвфемизмы русского языка (Текст): спецкурс: учеб. пособ. для студ-в вузов, обуч-ся по спец. “Филология”.; Елена Павловна Сеничкина. – Москва.: Высшая школа, 2006. – 151 с.

<sup>14</sup> Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 19 с.

<sup>15</sup> Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 176 б.

<sup>16</sup> Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

ўрнини босиш учун ишлатилади”<sup>17</sup>. Эвфемизмнинг машҳурлигини тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатларда кўриш мумкин. Уларнинг ёрдами билан ҳақиқат тузилган, суҳбатдош билан тўғридан тўғри ёки кўпол исм ишлатилгандек зиддият йўқ<sup>18</sup>. Эвфемия – узоқ вақт давомида тадқиқотчилар эътиборини тортган мураккаб лингвистик ҳодиса<sup>19</sup>, лекин унинг барча жиҳатлари бир хил даражада тўла ўрганилмаган. Ҳозиргача эвфемия таърифида умумий қабул қилинган аниқ мезонлар йўқ, эвфемия чегаралари ва эвфемизация усулларининг таснифи борасида яқдиллик йўқ. Инглиз тилида “эвфемизм” атамаси биринчи марта 1656 йилда Т.Блаунт томонидан “Глоссография” асарида тилга олинган, бу ерда эвфемизм “ёмон сўзни яхши ёки ижобий талқин қилиш” маъносини билдиради<sup>20</sup>. XX асрда эвфемия ҳодисаси семантик ўзгаришлар схемасида эвфемизмларни ажратиб кўрсатган Г.Пол асарининг нашр этилишидан сўнг тилшуносларнинг яқиндан ўрганиш объектига айланди.

Рус тилшунослигида эвфемия муаммоси фақат XX асрнинг охиригача ўн йиллигида кўтарилган<sup>21</sup>. Россияда ҳозиргача ягона “Рус тили эвфемизмлари луғати” 2008 йилда нашр қилинган<sup>22</sup> ва замонавий рус луғатларининг кўпчилигида “эвфемизм” шакли ишлатилмаган. Олимлар эвфемизмни ишлатишнинг бир неча сабабларини аниқлайдилар: 1) хурофот билан боғлиқ табу. Масалан, “*иблис*” сўзи “*дикенс*”, “*деусе*” каби эвфемик атамаларга эга; 2) ижтимоий ва ахлоқий табу. Масалан: “*тупуриш*” – “*балғам чиқариш*”, “*шим*” – “*ифода этилмайдиган*”; 3) юмшатиш зарурати, қайғули янгиликлар, ёқимсиз янгиликлар. Масалан: “*аҳмоқ*” – “*ақлсиз*”, “*ўлиш*” – “*ўтиб кетиш*”<sup>23</sup>. Эвфемизм ва табу бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки иккала тушунча ҳам тилда, ҳам маданиятда яқин ҳодисадир. Таъкидлаш жоизки, табу ва эвфемизмнинг асоси бир хил тақиқ-ҳодиса, яъни, сўзни ишлатишнинг йўл қўйилмаслиги<sup>24</sup>.

Инсоннинг социализацияси эвфемизм функцияларининг кенгайишига туртки бўлди: вақт ўтиши билан одамлар бир қатор объектларнинг номларини алмаштира бошладилар, уларнинг номзоди кўпол, ишлатишга яроқсиз бўлиб туюлди, бунинг сабаби ижтимоий-сиёсий, маданий, ахлоқий, тарихий ёки

<sup>17</sup> Скороходова Л.В. Эвфемизмы и псевдоэвфемизмы в английском языке. Сферы и цели использования (Электронный ресурс) Л.В. Скороходова. “Language & Science”. – 2013. <http://old.utmn.ru/docs/9508.pdf>

<sup>18</sup> Потапова Н.М. Краткий обзор некоторых исследований эвфемизмов.; Н.М. Потапова. Язык, сознание, коммуникация. – Москва., 2007. – Вып. 34. – С. 30-35.

<sup>19</sup> А.М.Кацев. Языковое табу и эвфемия.; А.М.Кацев: учеб. пос. к спецкурсу. – Ленинград.: ЛГПИ им .Герцена, 1988. – С. 79.

<sup>20</sup> Enright D.J. Fair of Speech: The uses of euphemism.; D.J.Enright. – Oxford Univ. Press, 1985. P. 13.

<sup>21</sup> Никитина И.Н. Эвфемизмы как объект исследования в британской и американской лингвистике .; И.Н.Никитина. Вопросы филологии. – Москва, 2008. – № 2 (29). – С. 111-114.

<sup>22</sup> Сеничкина Е.П. Эвфемизмы рус.языка.; Е.П.Сеничкина: Спецкурс. Учеб.пособ. – Москва.: Высшая школа, 2006. – С. 39-41.

<sup>23</sup> Арсентьева Ю.С. Аспекты изучения эвфемизмов в английском и русском языках (Электронный ресурс) Ю.С.Арсентьева. Известия РГПУ им. А.И.Герцена, 2011. – <http://cyberleninka.ru/article/n/aspektyizucheniya-evfemizmov-v-angliyskom-i-russkom-yazykah>

<sup>24</sup> Есимова Ж.Д. Определение эвфемизмов в трудах Российских ученых.; Ж.Д.Есимова. Язык и культура. XI Международная научная конференция по проблемам когнитивной лингвистики “Новые парадигмы и новые решения в когнитивной лингвистике”. Алматы-Кемерово Витебск-Донецк. Казахстан Алматы. КазНУ имени аль-Фараби, 2013. – С. 5.

ҳиссий омиллар. Шундай қилиб, нутқ одоб-ахлоқ қоидалари эвфемизмнинг қўлланилиш доирасини ва “эвфемизм” атамасининг ўз-ўзини таърифини кенгайтирди. Ҳозир кўпчилик тадқиқотчилар эвфемизм тушунчасига унинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилган таъриф беришади<sup>25</sup>. Рус тилшунослари ҳам (А.А.Реформатский, А.М.Кацев, Н.С.Арапова, Л.А.Булаховский, Б.А.Ларин), хориж тилшунослари ҳам (Ж.Ниеманн ва К.Силвер, Х.Раусон ва бошқалар) табуни этнографик тушунча деб билади, бу тилга ҳам тегишли. Эвфемизмлар, А.А.Реформатский фикрича, нутқда айнан табу сўзларни алмаштириш учун ишлатилади. Табу манбалари – хурофот ва цензура<sup>26</sup>. Р.А.Будагов табу феномени эътиқод туфайли келиб чиққан ва тафаккур ривожланишининг маълум бир босқичини акс эттиради, деб ҳисоблайди<sup>27</sup>. Шу билан бирга, у замонавий эвфемизмлар ва табулар ўртасида ҳеч қандай генетик боғлиқликни кўрмайди, чунки у турли маданият ва халқлардаги сўзларга хос тақиқларни белгилайдиган бошқа сабаблар борлигига ишонади. Бу сабабларга хулқ-атворнинг ахлоқий меъёрлари киради, шунинг учун маърузачи мос бўлмаган сўзни “юмшатиши” керак<sup>28</sup>. Лингвистик адабиётларда “эвфемизм” тушунчаси кенг таърифлар билан тавсифланган.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Эвфемизмларнинг тил сатҳига муносабати”** деб номланиб, унда услубшунослик тил сатҳлари аспектида: фонетик стилистика, лексик стилистика, фразеологик стилистика, синтактик стилистика, морфологик стилистикага ажратилиб ўрганилиши масаласига эътибор қаратилган. Ижобий томонларидан қатъий назар, бу методлар услубшуносликнинг ўрганиш объектини муайян тил сатҳи (яруси) билан чегаралаб қўйиш хавфини туғдиради. Қолаверса, бунда нутқнинг экстралингвистик ёки паралингвистик воситалари услубшуносликнинг объектидан ташқарида қолади. Бундан ташқари, нутқнинг фразеология, эвфемия каби кўпгина тасвирий воситалари анъанавий услубшуносликнинг лексик стилистика бобида берилиши ҳам ўзини оқламайди. Чунки кўчимлар тилнинг лексик сатҳига жойлашмайди.

Л.А.Булаховский: “Эвфемизмлар – ёмон фикр уйғотадиган нарсани ёки ҳодисанинг асл номини алмаштириш ва улар ҳақида сўз орқали ёвуз кучларни чақириш “хавфи”ни туғдирмай туриб гапириш, ҳаммадан олдин “хавфнинг олдини олиш” формуласи”, – деб ёзган. А.Омонтурдиев “Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясида А.А.Реформатскийнинг табу ва эвфемизм ҳодисасига бағишланган фикрини келтиради:

---

<sup>25</sup> Бутылов Н.В. К вопросу теоретической основы эвфемии и манипуляции сознанием.; Н.В.Бутылов. Сборник: Мировое культурно-языковое и политическое пространство: инновации в коммуникации. – Москва.: ТрансАрт, 2014. – С. 3.

<sup>26</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение.; А.А.Реформатский. – Москва.: Аспект Пресс, 2005. – С. 105.

<sup>27</sup> Будагов Р.А. Введение в науку о языке.; Р.А.Будагов. – 3-е изд. – Москва.: Добросвет, 2003. – С. 20.

<sup>28</sup> Ларин Б.А. Об эвфемизмах.; Б.А. Ларин. Ученые записки Ленинградского ун-та № 301. Серия филол. наук. – Вып. 60, 1961. – С. 55.

1) ҳарбий дипломатия талаби билан мамлакат, шаҳар, корхона, ҳарбий қисм ва айрим атоқли шахс номлари бирор шартли белги билан алмаштирилади (*n (эн), nn (эн-эн), x, y, z (икс, игрек, зет)*);

2) одоб нуқтаи назаридан, хавfli касаллик номини ошкор айтмаслик учун лотинча термин, қисқартма белги қўлланади (ракни *канцер*, операцияни *жарроҳлик касали* дейиш ва б.);

3) ўғрилар нутқидаги яшириш учун қўлланадиган сўз ва иборани ифодалаш (ўлдирмоқни *тикиб қўймоқ*, ўғирламоқни *сотиб олмоқ* дейиш каби).

Биз табу ва эвфемизм ҳодисасини А.А.Реформатский каби кенгрок доирада тушуниш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

Тадқиқотчи Н.Исматуллаев “Ҳозирги ўзбек адабий тилида эвфемизмлар”<sup>29</sup> мавзусидаги тадқиқот ишида табу ва эвфемизмга доир бой маълумот тўплаган, фикр-мулоҳазаларини билдириб, илмий хулосалар берган. Олим эвфемизмларни қуйидагича таснифлайди:

I. Табуга асосланган эвфемизмлар: а) мифологик тушунчаларни номлашда қўлланиладиган эвфемизмлар; б) заҳарли ҳашаротлар, илон ва бошқа ҳайвон номларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; в) йиртқич ҳайвон номларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; г) касаллик номлари учун қўлланиладиган эвфемизмлар; д) эркак ва аёл муносабатларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; е) аёллар нутқида қўлланиладиган эвфемизмлар.

II. Ирим-сиримга асосланган эвфемизмлар.

III. Жамиятда айтилиши айб ҳисобланган, қўпол сўзлар ўрнига қўлланилувчи эвфемизмлар.

IV. 1) аёлларнинг узрли ҳолатлари (ҳомиладорлик, ҳайз пайти) билан боғлиқ эвфемизмлар; 2) оила ичидаги муносабатларни ифодалашда қўлланиладиган эвфемизмлар; 3) ўлим билан боғлиқ эвфемизмлар; 4) жинсларга боғлиқ эвфемизмлар; 5) инсон тана аъзоларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; 6) кийим-кечак билан боғлиқ эвфемизмлар; 7) шифокор ва тиббиёт тилида қўлланилувчи эвфемизмлар; 8) ҳожатхона, ҳаммом ва бошқа жой номларига нисбатан қўлланилувчи эвфемизмлар.

V. Сўзлашув тилида ва диний мақсадда қўлланиладиган диалектик эвфемизмлар.

VI. Услубий эвфемизмлар.

VII. Дипломатик тилда қўлланиладиган эвфемизмлар.

Қолаверса, олим ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида қўлланадиган эвфемизмларнинг муомаладаги аҳамияти, луғат таркибини бойитишдаги қимматини шарҳлайди. Бу тадқиқот иши шу соҳа билан боғлиқ масалаларни, жумладан, эвфемизмни кейинги босқичда ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Эвфемик маънонинг, умуман, тил эвфемик қатламининг шаклланишида тил тизими бевосита қатнашса-да, эвфемология фан сифатида билвосита тилшуносликнинг семасиология, синтактик фонетика, психоллингвистика,

---

<sup>29</sup> Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 19 с.

экстралингвистика, паралингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика каби соҳаларига таянади.

1988 йилда А.М.Кацев эвфемия ўзаро боғлиқ учта жиҳатни ўз ичига олишини таъкидлайди: ижтимоий, психологик ва лингвистик<sup>30</sup>. Ижтимоий жиҳат эвфемия ётадиган ижтимоий, хусусан, ахлоқий ва диний мотивлардан иборат бўлиб, уларнинг таъсири остида салбий баҳога эга бўлган объектлар ва ҳодисалар гуруҳининг тўғридан тўғри номлари бошқа, мосроқ белгилар билан алмаштирилади. Агар объект ёки ҳодисанинг тўғридан тўғри номи салбий баҳога эга бўлса, у салбий ҳис-туйғулар (уят, кўркүв, жирканиш, нафрат)га сабаб бўлиши мумкин.

Янги белги пайдо бўлганда, уйғотилган туйғу нейтрал бўлади, яъни эвфемик алмаштиришга ҳамроҳ бўлган гап юмшайди. Бу ҳолат эвфемияга хос психологик жиҳатнинг бутун моҳиятини ташкил қилади. Учала жиҳат орасида лингвистик жиҳат энг муҳимидир. Лингвистик аспектда эвфемизация жараёнининг иккита кўрсаткичи алоҳида ажратилиши лозим. Биринчи кўрсаткич салбий ҳодисани белгилайди, унинг бевосита номи маълум вақт мобайнида табу бўлади.

Иккинчи хусусият – мелиоратив (такомиллаштирилган) номинацияларни билвосита йўналтириш сифатида тушунилади. Масалан, одамларда салбий ҳис-туйғуларни келтириб чиқарадиган жараённи ифодалайдиган “ўтиб кетиш” эвфемизмини олайлик. Бу мисол биринчи кўрсаткични акс эттиради. “Ўтиш” сўзи ҳам билвосита номнинг билвосита характериға эга, уни нейтрал ёки ҳатто мелиоратив белги остида рўйхатға олиш мумкин.

Ўзбек тилида эвфемизмларнинг қўлланилиш ўринларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Расмий учрашувлар	Кўркүв вақти	Бегона шахслар даврасида	Ижодий ишлар ёзаётганда	Болалар даврасида	Низолар ҳал қилинаётганда
----------------------	-----------------	--------------------------------	-------------------------------	----------------------	------------------------------

Бобнинг учинчи бўлими “**Эвфемизмларнинг ёндош ҳодисаларға муносабати**” деб номланиб, унда тил ҳодисаларининг тил сатҳидаги ўрни ва аҳамиятини, ўзига хос хусусиятларини, уларнинг ўзига ёндош тил бирликлари билан муносабатларини аниқлаш орқали тил бирликларининг лисоний қиймати ойдинлашиши ҳақида фикр юритилади. Эвфемизмларнинг тилда пайдо бўлиши, шаклланиши ва семантик таркиб топиши кўп қиррали мураккаб жараёндир. Биринчидан, эвфемизмнинг пайдо бўлиши, нафақат, лингвистик, балки экстралингвистик омиллар билан боғлиқ, улар, биринчи навбатда, жамиятнинг маданий ва тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади. Кўплаб олимлар эвфемизмнинг ўзига хос хусусиятиға ишора қиладилар. Хусусан, Н.М.Бердова эвфемизмлар экстралингвистик ва лингвистик стимуллар кесишмасининг марказида туришини қайд этади ва бу ҳолда биз

<sup>30</sup> А.М.Кацев. Языковое табу и эвфемия.; А.М.Кацев. Учеб.пособие к спецкурсу. – Ленинград.: ЛГПИ им. Герцена, 1988 .– С. 4.

“ижтимоий-психологик ва денотатив-ишорали омилларнинг ўзаро боғлиқлиги” ҳақида гапирамиз<sup>31</sup>. А.М.Кацев эса эвфемияни “уч қиррали мураккаб кўп қиррали лингвистик ҳодиса: ижтимоий, ақлий ва лингвистик” деб таърифлайди<sup>32</sup>.

Мақол, матал, афоризм, топишмоқ, қарғишлар ҳам бошқа-бошқа ҳодисалар бўлса-да, уларнинг маълум қисми эвфемик хусусиятга эга. Эвфемияология бундай ёндош, муштарак фактларни ҳам ўрганади. Масалан, очиқ айтишга истиҳола қилинган *Ҳаммамиз ҳам ўламиз* гапи: “*Бир уйда неча жонсан, бир-бирингга меҳмонсан*”, *Умр қисқа, ўлим тез этиб келади* фикри: “*Умр – мисоли дарё*” тарзида, *текинхўр* тушунчаси “*Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир*” эвфемик мақоллари, топилиши керак бўлган (яширилган) *ўлик (жасад)* тушунчаси “*Ҳаргиз-ҳаргиз, бўйи бир газ, чақирса келмас, пиёда юрмас*”, *кафан* тушунчаси “*У нимадир? тикмадилар, бичдилар*”, *қабр* тушунчаси “*У нимадир? дарвозасиз бинодир*” (Махтумқули) каби эвфемик топишмоқлар орқали ифодаланган ва бошқалар.

Эвфемиянинг антонимия, синонимия, омонимия, полисемияга муносабати масаласи ҳам эвфемиялог эътиборини жалб қилади. Масалан, ўзбек тилидаги 1) қулф бузилган, 2) ишламай қўйган киши, 3) сасиган гўшт, 4) қизлиги олинган, 5) фохиша, 6) пес қабилар “*бузилмоқ*” лексемаси орқали ўрни билан ифодаланади, *бузилмоқ* ана шу лексемалар (2-,3-,4-,5-,6-)нинг эвфемик воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бошқача айтганда, маъно кўчиш усуллари (метафорик, метонимик, синекдохавий, вазифадошлик) баёни, маълум даражада мавжуд. Бироқ уларнинг, аввало, лингвистик ва бадий, сўнгра, лингвистик кўчимнинг эвфемик ва ноэвфемик; бадий кўчимнинг ҳам эвфемик ва ноэвфемик турларга ажратилган талқини, таснифи, улар ўртасидаги чегара ва мезонлари ҳали етарли ишланган эмас.

**“Эвфемизмларнинг семантик, социал ва лингвокультурологик асослари”** деб номланган иккинчи бобда эвфемизмларнинг ижтимоий хосланиши, эвфемизм ва нутқнинг когнитив асоси ҳамда эвфемизмнинг лингвокультурологик аспектга муносабати масалалари тадқиқи амалга оширилган. Бобнинг **“Тилшуносликда эвфемизмларнинг социал хосланиши”** деб номланган биринчи бўлимида ўзбек тилида мавжуд ёш хусусиятига тегишли эвфемизмнинг лексик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган. Эвфемизмлар лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги каби гуруҳларга бўлинади:

Т/Р	Эвфемизмнинг лексик-семантик таснифига кўра гуруҳлари	Мисол:
1	ғайритабий кучларнинг	дев, шайтон

<sup>31</sup> Бердова Н.М. Эвфемизмы в современном немецком языке : специальность 10.02.04 “Германские языки”: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук.; Бердова Неля Михайловна. Киевский государственный педагогический институт иностранных языков. – Киев, 1981. – С. 26

<sup>32</sup> Кацев. – Ленинград: ЛГПИ, 1988. – С. 4.



	номлари	
2	оғир касаллик тушунчаларини ифодаловчи номлар	ўсма, онкологик касаллик, саратон
3	инсонларнинг жисмоний шаклланишидаги нуқсонлар билан боғлиқ (жисмоний ва рухий) номлар	кар, кўр, ақлдан озган, ақли заиф, ожиз, ногирон, нуқсонли бор, чўлок, имконияти чекланган
4	инсон характеридаги салбий хусусиятларни ифодаловчи номлар	очкўз, виждонсиз, бузуқ аёл, қадами эгри, ичи қора, кибрга тўлган, иймонини йўқотган, инсофини еган
5	жиноятлар ва уларнинг оқибатларини ифодаловчи номлар	жонига қасд қилиш, оғир жиноят, қотиллик, суиқасд
6	ижтимоий-сиёсий соҳага тегишли номлари	давлат мулкани талон-тарож қилиш – бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш, оғирлик, яширин иқтисодиёт, ҳаракатларга асосланган иқтисод

Тил имкониятларининг социал хосланиши муаммоси тилшуносликнинг ҳар бир даврида ўзига хос аҳамият касб этган. Бугунги давр фан олдида кўяётган вазифалар, ижтимоий буюртма, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида социал табақа ва гуруҳлар сифат ва миқдор таркибининг ўзгариши, улар нисбатининг янгича тус олиши, социал табақаларга муносабат, уларнинг жамият структурасидаги тутган ўрни масалалари билан бевосита боғлиқ. Тилларнинг генеологик ва морфологик қурилишларига боғлиқ равишда ҳар бир тилда эвфемик маъно фонетик, лексик, морфологик, синтактик, фразеологик, паремиологик ва новербал воситалар билан ифодаланади, эвфемик маънонинг намоён бўлишида ситуатив-прагматик ва ижтимоий омиллар мазкур лисоний воситалар билан яхлитлик ҳосил қилади.

Маълумки, муайян манбаларсиз лисоний имкониятларнинг социал фарқланиши, хосланишини ўрганиш мумкин эмас. Масалан, эвфемизмларнинг социал структураларни аниқлаш, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни ривожланувчи тенденциялар сифатида кузатиш, социал структуралар орасидаги узвийлик ва узлуксизликларни аниқлаш, диний эътиқод ва тур хусусиятларини, уларнинг функционаллашув ҳолатларини, глобаллашув шароитидаги этник интеграцияларни таҳлил қилиш кабилар муҳим. Ҳодисаларни синхрон ва диахрон аспектда, шунингдек, горизонтал (давомийлик) ва вертикал (ўзаро таъсир) ҳолатида ўрганиш ҳам мумкин. Хусусан, айрим мамлакатларда диний ва ирқий бўлинишлар меҳнат тақсимоотида ҳам акс этади, шу билан бир қаторда, кўп миллатли давлатларда миллатлараро ҳам шундай тақсимоотларни кўриш мумкин. Бу эса барча тилларда социал хосланишга хос умумийликни қидиришни мутлақлаштиришнинг маъқул эмаслигини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Эвфемиклик хусусияти асосида нутқнинг ўзаро когнитив асоси**” деб номланиб, унда шахс нутқининг когнитив

ўрганилиши, ундаги лисоний, социал, прагматик, маданий, миллий, ментал омиллар ва уларнинг таъсири масалалари таҳлилга тортилган. Маълумки, халқ ҳаётининг моддий шароити, маънавий турмуш тарзи, мафкураси, дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, тарихи ва дини, адабиёти ҳамда санъати, халқнинг ўзига хос урф-одат ва қадриятлари ўзбекона одобда ва коммуникантлар нутқида акс этиши ўз исботини топгани ҳақиқат. Зеро, тил ҳар бир замонда миллат, қавм, элат, қабила ёки уруғнинг ёрлиғи бўлиб келган. Антик давр манбаларида ҳам халқларнинг ахлоқий тутумлари, қадриятларини билиш учун унинг тилини ўрганиш кераклиги уқтирилган. Тилшунослик XIX асрда тилларни қиёсий-тарихий ва типологик муаммолари билан шуғулланар экан, уни маданият билан муштарак ҳолда талқин қилади. Хусусан, В.Фон Гумбольдт, Г.Штейнтал, К.Фосслер, А.Шлейхер, Х.Пауль, А.А.Потебня асарларининг марказида тил ва маданият яхлитлиги масаласи туради.

Аниқланган структура ва лисоний бирликларни жонли ҳаёт билан боғлаб текшириш эҳтиёжи натижасида ҳамда тилшунослик фанининг бошқа ёндош фанлар билан узвий алоқадорлиги орқали янги илмий парадигмалар шаклландики, энди уларда тил ва маданият муштараклиги масаласи даврнинг янги талаб ва эҳтиёжлари асосида қайта кўрила бошлади. Қисқа муддат ичида этнолингвистика, этнопсихология, когнитив психология, психоллингвистика, социоллингвистика, лингвокогнитология соҳаларида тил ва маданият муштараклигининг у ёки бу жиҳати ўрганиш объекти ёки предметиға айланиб улгурди.

Тилшуносликда синтактик тадқиқотларнинг кучайиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун томонидан таърифи ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Лисоний бирликларни контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишга тўлиқ имконият яратади. Шу боис ҳозирги глобаллашув жараёнидан бошлаб, амалий аҳамиятли тадқиқ йўналишлари ривожлана борди. XX асрнинг ўрталарида дастлаб, Америка ва Ғарбий Европа давлатларида, сўнгра бошқа ўлкаларда ривожланган ва ривожланаётган социоллингвистика ана шундай фанлардан биридир. Ҳозирги тилшунослигимизда социоллингвистик тадқиқотларга қизиқишнинг кучайиб бораётганлиги қуйидаги икки сабаб билан изоҳланади:

1) ҳозирги жамиятда илмий асосланган тил сиёсатиға эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Чунки тил сиёсати масаласи ҳозирги даврда борган сари кескинлашиб бормоқда. Масалан, кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларида шу вақтга қадар тил муаммоси, айниқса, давлат тили муаммоси аниқ ҳал этилганича йўқ;

2) структурал тилшунослик шу вақтга қадар тилнинг фақат ички тузилишини ўрганиш билан қизиқиб келди, тилнинг жамият билан, ўша тил эгаси билан бўлган муносабати масаласи эса тилшунослар эътиборидан четда қолди. Чунки структурализм тил бирликларига хос бўлган шакл ва маъно бирлигини рад этиб, фақат шаклни ўрганишга эътиборни қаратган эди. Аммо жамият ривожланиши бунинг тамомила аксини исботлади, яъни бирор тилнинг

яшаши ва ривожланишида бу тилда гаплашувчи халқ ва жамият тараққиёти узвий боғлиқ эканлиги маълум бўлди.


Тил ва маданият яхлитлиги, тил ва маданият ҳодисалари мажмуидан иборат лингвокультурологик концепт барча қирралари билан этнолингвистиканинг таркибий қисми бўлган лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти сифатида шаклланди. Лингвокультурология маданият феноменини бор бўйи билан ўз тасарруфига олади. Унинг сирасида этномаданият ҳам, этномаънавият ҳам, миллий маданият ва миллий маънавият ҳам, халқ маданияти ва халқ маънавияти ҳам тил кўзгусида баҳоланади<sup>33</sup>. Эмиль Бенвенистнинг фикрича, тил, маданият ва шахс учлигидан иборат линзада миллат, халқ ёки элатнинг бутун маънавий, моддий борлиғини, маданияти ва маънавиятини кўриш мумкин<sup>34</sup>. Халқни яхлит тасаввур қилиш учун бу уч таркибий қисм яхлит ҳолда олинishi керак. Халқ, миллат, элат молекула бўлса, у мазкур уч атомдан ташкил топган. Миллий (этник) борлиқ деганда ана шу атомар яхлитликни тушунмоқ лозим.

“Лингвокультурологик тадқиқотларда эвфемизмларнинг мавқеи” деб номланган учинчи бўлимда эвфемизмларнинг воқеланишида ва қўлланилишида маданий савия, гендер хусусияти, миллати, ижтимоий табақаланиши, эътиқоди, дини каби масалалар билан бирга ёшнинг ҳам ўрни ва таъсири бор эканлигини илмий асослашга ҳаракат қилинган. Шунингдек, эвфемизмларнинг қўлланилишида ёшга кўра, умумий ва хусусий жиҳатларини ҳам очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Албатта, воқеликдаги ҳеч бир ҳодиса биргина сабаб билан юзага келмаганидек, эвфемизмларнинг қўлланилишини ҳам айнан бир сабаб ёки жиҳат билан боғлиқ дейиш ўринли эмас. Масалан, “*боши очиқ*” – турмушга чиқмаган ёки бевага нисбатан қўлланилиб, бу хоҳ эр, хоҳ аёл киши қўллашидан қатъий назар, албатта, маълум бир ёшга кирган кишига нисбатан қўлланилиши ҳам зарурий шартлардан бири. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кузатиш мумкин:

(2-жадвал)

2-жадвал



Аксарият ҳолларда, балоғат ёшига етгунча болаларда катталарнинг талабига кўра, масалан, мактабларда ҳожатхонага бориш учун “ўз ишимга” бориб келай ёки “ташқарига” чиқиб келай тарзида қўлланилса, ёши катталарда “шамоллаб келай” тарзида қўлланилади.

Албатта, ёши катталар буни онгли тарзда, ўзаро ҳурмат муносабатига кўра қўлласа, ёш болалар тақлид ёки катталарнинг талаби билан (катталар ҳам буни расмий ташкилот, таълим муассасалардаги муҳитни инобатга олган ҳолда ўргатади) ишлатади.

Эвфемистик ифода воситалари фаол қўлланиладиган анъанавий соҳа – дипломатия. Кўриниб турибдики, дипломатлар ва сиёсатчилар ҳал этиши керак бўлган коммуникатив вазифаларни фақат тўғридан тўғри номзодлар ёрдамида, шикоятлар, маслаҳатлар, эслатмалар, камуфляжлар ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас.

Ҳозир матбуот саҳифаларида ва эфирда тез-тез учрайдиган сўзлар ва иборалар, масалан: *чора-тадбирлар, олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар, қарама-қаршиликлар* (уруш бўлса-да, маҳаллий бўлса ҳам), *муайян доиралар, тегишли ҳокимият, тинчликпарварлик ҳаракатлари* (миссиялар), *ўзаро муносабат тамойили*.

